

Республика бўйлаб давлат хизматчилари тиббий кўриқдан ўтказилмоқда



Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат фуқаролик хизматчисига тиббий хизмат кўрсатиш ижтимоий ҳимоя чораси сифатида кафолатланиши белгиланган.

Шу боис Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Сурхондарё вилояти филиали, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча ходимлари бирламчи тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Бугун Қумқўрғон туман ҳокимлиги ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда давлат хизматчилари бирламчи тиббий кўриқдан ўтказилди.

Уларга саломатлиги тўғрисидаги хулосалар, баъзи ҳолатларда эса чуқурлаштирилган кўриқ учун йўлланмалар берилди.